

Машхур футболчи инстаграмдаги фикрлари учун ҳақоратланди



11:51 / 27.01.2022 3886

Франциялик футболчи Пол Погба инстаграм саҳифасидаги изоҳи учун мухлислар томонидан исломофобик муносабатга учради. Шундан сўнг у ижтимоий тармоқдаги изоҳини ўчиришга мажбур бўлди.

Якшанба куни 28 ёшли футболчи Каъба олдида намоз ўқиётгани суратини эълон қилди ва унга «Ё Аллоҳ! Бизни тўғри йўлга ҳидоят қил! Аллоҳим, солих амалларимизни ўзинг қабул қил! Ё Аллоҳим, Ўзинг кечиргувчисан, бизларни кечиргин. Омин!», дея дуо ёзиб қолдирган эди.

Аммо бир неча дақиқадан сўнг у тажовузкор фойдаланувчилар томонидан унинг изоҳли саҳифаси исломофобларнинг унга қарши баёнотлари билан тўлиб тошди. Орадан 2 соат ўтгач эса ушбу пост Погбанинг аккаунтидан ўчириб ташланган.

Унинг четлатилгани ҳақидаги хабар ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларига етиб боргач, мухлислар твиттер саҳифасида ҳам кераксиз норозиликларни билдиришди.

«Мана, мен Погба ёки Юнайтед мухлиси эмасман, лекин нега у ўз эътиқодларини баҳам кўргани учун ҳақоратланганини ҳалигача тушунмадим. Гўё одамларда нимадир нотўғри?, деб ёзган

фойдаланувчилардан бири.

Бошқалар эса футболчига яхши сүзлар билан қўллаб-қувватлашларини ёзишган: «@paulpogba, ҳақиқий мухлислар сиз билан, сизни қўллаб-қувватлайди», дея далда беришган.

Хуршид Маъруф